

# Халқ Сўзи

Газета 1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

3 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА № 172 (423).  
1992 йил  
Сотува эркин нархда

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИ ШУ МУҚАДДАС ЗАМИНДА, ҲАММА-ҲАММАМИЗНИНГ ДИЛЛАРИМИЗДА МАҒРУР ЖАРАНГЛАДИ. ТЎЛҚИНЛАРИ АВЛОДЛАРДАН АВЛОДЛАРГА ТОБОРА АВЖЛИРОҚ БЎЛИБ ЕТГАЙ!**



МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ ТУЗИШ ОНЛАРИГА ЕТИБ КЕЛГАНМИЗ,  
АВВАЛАМБОР, АСРЛАР ДАВОМИДА БУЮК ИСТИҚЛОЛНИНГ МАШАҚ-  
ҚАТЛИ ЙЎЛИДА ХАЛҚИМИЗНИНГ, УНИНГ АСЛ ФАРЗАНДЛАРИНИНГ  
ТИНИМСИЗ ОЛИБ БОРГАН ЖОНФИДО КУРАШЛАРИ НАТИЖАСИ БЎЛДИ.



## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ И. ҚАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Жаноби олийлари!  
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг қувончли бир йиллиги муносабати билан сизга ва қардош Ўзбекистон халқига самимий қутловларимизни етказишдан гоят мамнунман.

Шу имкониятдан фойдаланиб, сиз жаноби олийларига узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси халқига юксалиш ва фаровонлик тилайман.

Жаноби олийлари, сизга юксак ҳурматини изҳорини лутфан қабул қилгайсиз.

Ғулом ИСҲОҚХОН,

Покистон Ислоҳ Республикасининг Президенти.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ДОКТОР ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги қувончлари муносабати билан сиз жаноби олийларига самимий табрикларимга ва Ўзбекистонга фаровонлик ва юксалиш, шунингдек, Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришни тилаб билдирган энг яхши истақларимга Малайзия қироличаси жаноби олиялари ҳам қўшилдилар. Сиз жаноби олийларининг Гуала-Лумпурга яқинда буюрган биринчи ташрифингизни биз самимият билан эслаймиз, бу ташриф иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги даврни бошлаб берди.

Султон АЗЛАНШОҲ,  
Малайзиянинг олий бошлиғи.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ И. ҚАРИМОВГА

МУҲТАРАМ ПРЕЗИДЕНТ ЖАНОБЛАРИ!  
Қардош Ўзбекистон Республикаси халқини ва сизни, муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич, миллий байрам — Мустақиллик куни билан сиз қидилдан табриклайман.

Қатъий ишонч билан шуни айтаманки, Россия билан Ўзбекистон ўртасида тарихан тартиб топган дўстлик муносабатлари, улар ўртасидаги мавжуд ўзаро ҳурмат, ишонч ва ҳамкорлик аънаналари мамлакатларимиз халқларининг бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, мустақамланаверади. Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига осойишта турмуш, бахт-саодат, фаровонлик тилайман.

Б. ЕЛЬЦИН,

Россия Федерациясининг Президенти.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ И. ҚАРИМОВГА

АЗИЗ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Ўзбекистон Республикаси. Мустақиллиги эълон қилинган куннинг бир йиллиги муносабати билан сизни ва қардош ўзбек халқини самимий қутлайман. Шу унутилмас кунда тегаран тарихий илдишларга эга бўлган қозоқ ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик демократик давлатларимиз тараққийнинг янги шароитида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва яхши қўшничиликнинг янги қирралари билан ярқирашини яна бир бор тасдиқламоқчиман. Ўзбекистоннинг меҳнатсевар халқи ўтти даври қийинчиликларини муваффақият билан бартараф этиб, жаҳон ҳамжамиятида ҳақли равишда ўзига муносиб жойини олишига ишончим комил. Муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич, сизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизга муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик ва омон-эсонлик тилайман.

Самимий ҳурмат билан,

Нурсултон НАЗАРБОЕВ,  
Қозоғистон Республикасининг Президенти.



# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИ ШУ МУҚАДДАС ЗАМИНДА, ҲАММА-ҲАММАМИЗНИНГ ДИЛЛАРИМИЗДА МАФРУР ЖАРАНГЛАДИ. ТЎЛҚИНЛАРИ АВЛОДЛАРДАН АВЛОДЛАРГА ТОБОРА АВЖЛИРОҚ БЎЛИБ ЕТГАЙ!

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ:

Тошкент шаҳри. Ҳамма жойда оммавий халқ сайллари бўлиб ўтди, мусиқа янграб турди, майдонларда, кўчаларда, хибонларда ва истироҳат боғларида хушчақонлик ҳукм сурди.

Бироқ ҳатто байрам кайфиятида ҳам инсонга хос муаммоларимиз эсдан чиқмади. Уларни унутиб бўладими? Зеро озодлик, биринчи гапта инсонга, унинг энг зарур ҳаётий манфаатларига хизмат қилмоғи керак.



Одамларнинг гапига қулқ тутамиз. Олмасор маҳалла комитетининг раиси Едгор Обидов:

— Мустақиллик кунини биз учун қувончли байрам. Маҳалламиз — жамиятнинг кичик бир хужайраси, бу ерда биз ҳамма муаммоларимизни бамаслаҳат ҳал этаемиз. Турли-туман низоларини ҳал этиш ҳам, бола тарбияси ва бошқа кўп масалалар ҳам шу жумлага кирди.

— Мен ҳозир ҳам маҳалла комитетининг раиси Едгор Обидов:

— Марказий ХИБОН ГАВЖУМ. Бир гуруҳ қариялар, чамаси нафақаўрлар бўлса керак, гурунлашиб ўтиришибди.

Турсунбой БОТИРБЕКОВ.



### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:

— Аслида мустақиллик байрами бошланганига анча бўлди. Кунини кеча худди шунақа шодона бизнинг ўзгаллигимизда ҳам бўлиб ўтган эди. — дейди сабабот улан эди. — деярли режаларини 10 августдаёқ ушлаб қўйган «Наврўз» жамоа ҳўжалигининг раиси Бойқон Фозилов. — Биринчи бригадамиз боғида ош дамлаб, халқимизга тарқатдик. Уруш ва меҳнат фахрийлари, бошқа ёрдამга муҳтож фуқароларга моддий ёрдэм кўрсатдик.

Ҳа, Загнота туманида

### КАШҚАДАРЕ:

Вилоят маркази — Қарши шаҳрида мустақиллик кунини арафасида «Дўстлик сайли» бўлиб ўтди. Унда шу воқеа яна меҳнат қилётган барча миллат ва элларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Савдо ходимлари «Дўстлик сайли» тантаналарига алоҳида руҳ киритдилар. Хибон ва кўчаларда, истироҳат боғларида савдо уюштирилди, ошхоналар ташкил этилди.

### НАМАНҒАН:

Эски эл узра саболар, Ўзбекистон мустақил, Шод эрур барча баробар, Ўзбекистон мустақил.

Бу сатрлар бутун ҳар бир наманғанликнинг қалбига жо бўлган. Ўтган кунини 50 мингдан ортиқ меҳнатқашлар вакиллари марказий ўйингоҳга келдилар.

Мустақиллик кунини зўр тантаба билан нишонланди. Ва, у ўзига хос меҳр-мурувват байрамга айланиб кетди.

Байрам шодийналари пойтахт вилоятининг бошқа туманларида ҳам ўзбекиона миллий тусда ўтди.

Мурод КАЛОҲОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Вилоятнинг бошқа районларида ҳам мустақилликнинг бир йиллиги тантаба нишонланди.

Пўлат ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пўлат ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### ФАРҒОНА:

Вилоят аҳолиси Мустақиллик тунгини қарнай-сурнай салолари остида қарши олди.

Фарғона шаҳри яқин йиллар ичида бундай тантана, анжумани кўрмагандай десак, муболага бўлмайдди.

Қадимий Кўён ҳам истиқлол байрамидан гўё эсиман кетгандай.

Эрта Осме темир йўлининг Фарғона бўлими мустақиллик шарофати билан ўз ишчи ходимларига катта имтиёзлар яратиб берди.

Ҳар бир шахарнинг сўмдан, ишчи-хизматчиларга бидан жами 65 миллион сўмлик байрам тўғралари ҳадя этилди.

Мунасабатли раҳимият бундай эзгу фикрларини бугун «ҳар қадамда эшитиш мумкин».

Раҳимият ИРИСОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Раҳимият ИРИСОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### СИРДАРЕ:

Қўриқ вилоят марказидаги маданият ва истироҳат боғидан таралган қарнай-сурнай наволари эрта тонданоқ шаҳар меҳнатқашларини ўлуг айём — Мустақиллик байрамига таклиф эта бошлады.

Улар сафида борар эканман кўкидаги қатор орден ва медалларнинг энг юқорисига Мустақиллик нишони тақиб олган отахонини байрам билан табриқладим.

Темур АБДУРАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### СУРХОНДАРЕ:

Республиканингни жанубий дарвозаси — Сурхондарёда ҳам Мустақиллик байрамига катта ҳозирлик кўрилди.

Миллион доллар ҳажмидаги қайта жиҳозлаш ишларини бошлаб юбориш арафасида турбодлар, Шўричада эса Евроба ишбилармонлари пойабзал ишлаб чиқаришга киришдилар.

Бойсун тег тизмалари адоғида жиҳозлашан Хўжангон тўз қонди эса Қўриқ мутахассислари билан ҳамкорлик қилишмоқда.

Тояқидин РАЗЗОҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

### САМАРҚАНД:

Ўзбекистон Мустақиллигининг бир йиллигини қадимий Самарқанд замининда ҳам кенг нишонланди.

Тумонот одамини ўз бағрига олган боғда юздан зиёд миллат вакиллари шоду ҳуррамлик қилётганини кўриб баъзилар кўзида севинч ёшларини кўрдим.

Темур АБДУРАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### БУХОРО:

1 сентябрь субҳида Бухоро шаҳрида энг бадавлат бинолар энг ҳолимини идораси билан «Бухоро» меҳмонхонаси тоғларида қилинган қарнай-сурнай салолари ҳамгани мустақиллик бағишланган сайллар бошланганидан огоҳ қилди.

Шаҳардаги «Спартак» ўйингоҳида истиқлолнинг бир йиллигига бағишланган мингит бўлди.

Илҳом САФАРОВ.

### ХОРАЗМ:

Кўхна Хоразм дийрига байрам тантаналари 5—10 кун муқаддам ёйилди.

Шу кунини истиқлол шарафига тақдир этилган савдо рассталарида чорвачилик ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари бозоридан анча арзонга сотилди.

Буёқ барча қаматарлар эрта ҳаваскорлик жамоалари эрта қарор қилди.

Шунингдек, ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган тантаналар жумҳуртизмнинг бошқа вилоят, шаҳар ва қишлоқларида ҳам зўр шоду ҳуррамлик билан ўтди.

Абдулла СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



